

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 31 июль — 6 август № 30 (546) Сешанба кунлари чиқади

Андижон вилояти

ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ



Бугунги кунда замонавий ҳамшира тушунчасининг жамият ҳаётида кенг ўрин тутиши том маънода уларнинг ҳам фаолият, ҳам оиладаги мавқеини ошириб, тиббиёт тизимининг илғор ислохотларида ўзига хос

аҳамиятга эга бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, айни кунда республикамизда меҳнат қилаётган оила ҳамшираларининг аҳоли орасида олиб бораётган фаолиятлари ижобий натижаларни бермоқда.

Куни кеча Андижон шаҳар марказий шифохонасига қарашли 7-поликлиникада патронаж хизматида "Оилавий ҳамшира" ишини такомиллаштириш мавзусидаги вилоят се-

минари бўлиб ўтди. Семинарда вилоят туманларидан ташриф буюрган ҳамширалар аввало поликлиника ҳудудида жойлашган аҳоли хонадонларида бўлиб, оила ҳамширасининг фаолиятдаги ўрни билан

танишдилар. Гуруҳларга бўлинган ҳамширалар 7-оилавий поликлиника ҳамшираларининг амалга оширган ишлари билан ўртоқлашиб, оила (Давоми 3-бетда).

Абитуриент — 2007

Бу йил олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони ўтган йилларга қараганда бир мунча кўпайганлиги маълум.

СИНОВЛИ ДАҚИҚАЛАР ОЛДИДАН

Шу жумладан, тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам абитуриентлар томонидан режадан ортиқ аризалар қабул қилинди. 2007 йилнинг 30 июль кuni Андижон Давлат тиббиёт институтида бўлганимизда абитуриентлар учун яратилган имтиҳонга киришолди шароитлари билан танишдик. Тест синовлари учун тайёрлаб қўйилган аудиторияларга кирар эканмиз, ҳар бир хонага гуруҳлар, факультет кодлари ва ўринлар сонининг тартиб би-

лан ёзилганлиги кўзимиз тушди. Шунингдек, имтиҳон хоналаридаги тинч ва осийишта муҳит, белгиланган вақт оралиғида кўрсатилаётган назорат хизматининг тақсимлаб олинганлиги ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмади. Эртага республикамизнинг барча олий ўқув юртларида абитуриентлар учун синовли дақиқалар бошланади. Шу ўринда талабаликни орзу этган билимга чанқоқ ёшларга омад тилаб қоламиз!



СУРАТЛАРДА: Андижон Давлат тиббиёт институтининг тест синовлариолди тайёргарлигидан лавҳалар.



НЕЗАВИСИМОСТЬ В МОЕЙ ЖИЗНИ

Вся республика готовится к самому великому и дорогому празднику - 16 летней годовщине Независимости Республики Узбекистан. Ведь независимость в полной степени отразилась в нашей жизни. Во всех сферах стали проявляться четкие контуры позитивных изменений. Указ Президента Республики Узбекистан «О реформировании системы здравоохранения» в корне изменил всю систему охраны здоровья населения. Организация и пуск в действие учреждений службы экстренной медицинской помощи, появление сети СВП, подготовка высококвалифи-

цированных медицинских кадров и стимулирование их труда тоже является одной из граней позитивов. Организованные 4 специализированных медицинских центра, на сегодняшний день оказывают высококачественную медицинскую помощь населению.

И сегодня в преддверии столь знаменательного праздника хотелось бы поздравить все население нашей республики и пожелать крепкого здоровья, успехов во всех делах.

Каринэ ДАНЕЛАНЦ,
врач-педиатр Дома милосердия № 30, Хамзинского района города Ташкента.

Жорий йилнинг 26 июль кuni Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Босма ва интернет нашрларида медиа-бизнес асосларини шакллантириш масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, босма ва интернет нашрлар раҳбарлари, журналистлар иштирок этган семинарда мамлакат босма ОАВ фаолиятида медиа-бизнесни ривожлантиришнинг ютуқ ва муаммолари муҳокама қилинди.

Семинарни Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси А. Орипов кириш сўзи билан очиб, мазкур мавзу хусусида ўз фикрларини билдирди. Кун мавзусида "Медиа-бизнес юристининг ҳуқуқий асослари", "Медиа-бизнесда менежментинг замонавий усулларини татбиқ этиш: муаммо ва ечимлар", "Босма ва интернет нашрларида маркетинг

Семинар

АХБОРОТ АСРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

ва реклама тизимини шакллантириш: назария ва амалиёт", "Босма ва интернет нашрлар фаолиятига ҳамкорларни жалб этиш ва бунда бизнеснинг ўрни" тўғрисида соҳа мутахассислари томонидан маърузалар тингланди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг мустақил ва барқарор ривожланиши, фуқаролик жамияти қурилишида фаол қатнашиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда мавжуд имкониятлардан фойдалана олиш учун оммавий ахборот воситалари иқтисодий жиҳатдан ҳам мустақил ва молиявий барқарор бўлиши, фойда келтирувчи бизнес-тизими сифатида шаклланиши лозимлиги маърузачилар томонидан эътироф этилди. Бугун мам-

лакат ОАВ бозорига муваффақиятли амалга оширилаётган бизнес-лойиҳалар оз эмас. Шунингдек, тадбир доирасида Фонд муассислигида ташкил этилган "Region.uz" ҳафталик газетасининг тақдироти ҳам ўтқизилди.

Таъкидлаш жоизки, қизгин мунозаралар асосида олиб борилган тадбир оммавий ахборот воситалари ходимларини мушоадада қорлаб, улар ўртасида таклиф-мулоҳаза ҳамда асосли фикрлар тўғилишига имкон яратди. Демак, олдинда турган мақсад — ахборот асрида медиа-бизнес асосларини шакллантириш экан, бу борада барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда тегишли вакиллик органлари бор куч ва имкониятларини аямайдилар.

Ибодат СОАТОВА.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий буюмлар сийёсати Маркази

Республика соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятлар асосан инсон саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган. Дарҳақиқат, соғлиқ инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, давлат сийёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, тиббиётнинг йўналиши низоҳатда кенг. Агар унинг ҳар бир тармоғидаги фаолият жараёнларини кузатсак, амалдаги ишлар ўзининг ўрни ва маънавиятига эга эканлигини кўрамиз. Шу жумладан, аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш ана шу ҳуқуқларнинг амалиётга жорий қилинишидир. Кейинги пайтларда халқнинг дори воситаларига бўлган эҳтиёжи низоҳатда ортиб бормоқда. Шу ўринда бизда савол туғилади: **Фуқаролар ишлаб чиқилаётган дори воситаларидан қандай фойдаланмоқдалар? Шунингдек, Республика даволаш-профилактика муассасаларида беморлар учун ишлатилаётган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш тўғриси йўлга қўйилганми? Муваффақият бор жойда муаммо ва камчилик бўлади деганларидек, тизимдаги фаолиятлар таҳлилини кўрадиган бўлсак, ижобий ишлар билан бир қаторда талайгина муаммолар мавжудлиги ҳам кўзга ташланади.**

Айтиш мумкинки, дори воситаларидан нотўғри фойдаланиш тиббий ҳамда иқтисодий томондан салбий натижаларга олиб келиши табиий. Айниқса, янги касалликлар, жумладан, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ва турли оғир оқибатларга олиб келувчи касалликларнинг пайдо бўлиши дори воситаларига бўлган эҳтиёж охири боришига сабаб бўлмоқда. Агар, тиббиёт нуктаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, дори воситаларида оқилона фойдаланмаслик микроорганизмлар резистентлигининг ортиши, айрим ҳолларда эса ўлим ҳолати юз бериши мумкин. Бундай ҳолатлар тиббиёт ходимларига бўлган ишончсизлиқнинг пайдо бўлиши ҳамда бошқа нотиббий тизимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Дори воситалари концепциясига асосланиб, ишлаб чиқилган формуляр соғлиқни сақлаш тизимида 2006 йилдан қўлланиб келинмоқда. Бу ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизими ресурсларининг иқтисодий томондан самарали натижавий ишларга сарфланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 2 майдаги 489-сонли фармойишига асосан, стратегияларнинг самараси ва уларни ўзгартириш ҳоллари бўйича мониторинг ўтказилди. Бу мақсадда стандартлаштирилган индикаторлардан фойдаланилганлиги. Тадқиқотимизнинг мақсади, республика, шаҳар, вилоят ва туман даволаш-профилактика муассасалари даражасида беморларнинг дори воситаларидан оқилона фойдаланаётганликлари ўрганишдан иборат.

Тадқиқот жараёнида кўп поғонали услубдан фойдаланилиб, унга:

1. Даволаш-профилактика муассасаларининг молиявий аҳолини ўрганиши.
2. Бюджет маблағлари ҳисобига дори-дармонларни тўғри сотиб олиш тизимини ўрганиши.
3. Дори воситалари билан таъминлаш даражаси ҳамда индикаторлар ёрдамида дорилардан оқилона фойдаланилаётганлигини ўрганиши.
4. Даволаш-профилактика муассасалари шифокорларининг касаллик варақасида қайд

қилинган икки хил ташхис (ўткир инфаркт миокарди, пневмония) ҳолларидаги тавсияларини ўрганиши ўз ичига олади.

Беморларни дори-дармонлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мақсадида даволаш-профилактика муассасалари дорихоналарининг 2006 йил ва 2007 йилнинг биринчи квартали мобайнида сотиб олганлик бўйича маълумотлар ўрганиб чиқилди. Талабларга асосан бу маълумотлар 200 турда бўлиб, улардан 20 таси тиббий буюмлардир (шприцлар, перевязкада қўлланилувчи материаллар, дезинфекция воситалари).

Дори воситаларидан стационар шартларида оқилона фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида Доимий фаолият олиб борувчи комиссия томонидан 2 мингта тавсия варақалари ўрганиб чиқилди. Ушбу варақаларда ўтказилган дори терапияси ҳақида маълумотлар кўрсатиб ўтилган. Бу эса ўз навбатида дори воситаларидан фойдаланиш даражасини ҳамда молиявий масалаларни кўриб чиқишга имконият берди.

Касаллик варақасига асосланган ҳолда беморларга тавсия қилинган дори воситаларини таҳлил қилиш ҳозирги пайтда шифокорлар томонидан асосан, муассасалар формулярига кирувчи дори воситаларининг тавсия этилаётганини кўриш мумкин. 2005 йил тадқиқотларига солиштирилганда, бу йўналишда дори-дармонларни танлашнинг яхшиланаётганини кўриш мумкин. Таҳлил жараёнидан шу нарса маълум бўлдики, "Асосий дори воситалари" рўйхатидан туман марказий шифохоналарида 75 фоиздан 85 фоизгача, Тошкент шаҳридаги тиббий клиникаларда 85 фоиздан 90 фоизгача, республика миқёсидаги клиникаларда 86 фоиздан 90 фоизгача дори-дармонларнинг беморларга тавсия қилинаётганини кўриш мумкин. Тадқиқот олиб борилган даволаш-профилактика муассасаларидаги номарказлаштирилган ҳолда дори воситаларини сотиб олинишига аҳамият берадиган бўлсак, айрим ҳолларда дориларнинг "Асосий дори воситалари" рўйхатига киритилмаган дори воситалари харид қилинганлиги аниқланди. Бундай ҳолларда рақобатчилик варақаларининг ҳам мавжуд эмаслиги кузатилади.

1-жадвалда "Асосий дори воситалари" рўйхатига кирмаган ва харид қилиниши керак бўлган дори-дармонлар келтириб ўтилган.

Оқилона Фойдаланса Бўлади

БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАН ҲАРИД ҚИЛИНГАН ВА АСОСИЙ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРМАГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЎЙХАТИ

1-жадвал

№	Вилоятлар	2006 йилнинг 4-чораги (минг сўм)	2007 йилнинг 1-чораги (минг сўм)
1.	Андижон БССБ	маълумотлар тақдим қилинмаган	932,95
2.	Бухоро БССБ	4148,08	1 288,88
3.	Жиззах БССБ	1235,79	645,36
4.	Қашқадарё БССБ	1932,93	702,64
5.	Қорақалпоғистон Республикаси		
	Нукус шаҳри	15151,76	1 429,05
6.	Навоий БССБ	343,00	1 22,50
7.	Наманган БССБ	1228,09	3 032,56
8.	Самарқанд БССБ	16303,36	4 651,17
9.	Сурхондарё БССБ	2551,27	3 176,52
10.	Сирдарё БССБ	788,61	1 249,87
11.	Тошкент ШССБ	13137,68	2 307,87
12.	Тошкент БССБ	5862,91	1 467,19
13.	Фарғона БССБ	958,47	3 558,15
14.	Хоразм БССБ	2701,23	1 768,47
	Жами	53205,48	26 333,18

Лекин, даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини харид қилишда қўлланиладиган ва тасдиқлашдан ўтган формулярлар бўлсада, харидлар жуда кам ассортиментда олиб боришмоқда. Масалан, қуйидаги жадвалда харид қилинган препаратлар миқдори кўрсатилган бўлса ҳам, уларнинг сони кам эканлигини кузатишимиз мумкин.

2-жадвал

№	Муассаса номи	Тасдиқланган формулярдаги препаратлар (дори воситалари) миқдори	2007 йилнинг 1-чораги хариди бўйича дори воситалари миқдори
Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Вилоят шифохонаси	232	35
2.	Нуробод туман марказий шифохонаси 201	70	
3.	Вилоят болалар шифохонаси	180	30
Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Вилоят болалар шифохонаси	180	20
2.	Навбахор туман марказий шифохонаси	201	35
3.	Кизилтепа туман марказий шифохонаси	201	25
4.	Нурота туман марказий шифохонаси	201	50
5.	Вилоят шифохонаси	232	6 5
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги			
1.	Амударё туман марказий шифохонаси	201	70
2.	Беруний туман марказий шифохонаси	201	60
3.	Элликқалъа туман марказий шифохонаси	201	65
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Янгибозор туман марказий шифохонаси	201	70
2.	Питнак туман марказий шифохонаси	201	20
3.	Янгиарик туман марказий шифохонаси	201	50
4.	Вилоят болалар шифохонаси	180	70
5.	Гурлан туман марказий шифохонаси	201	60
Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Вилоят болалар шифохонаси	180	60
2.	Олтинқўл туман марказий шифохонаси	201	70
3.	Бўз туман марказий шифохонаси	201	40
4.	Шахрихон туман марказий шифохонаси	201	30
Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Вилоят болалар шифохонаси	180	60
2.	Фуркат туман марказий шифохонаси	201	100
3.	Охунбобоев туман марказий шифохонаси	201	60
4.	Вилоят шифохонаси	232	30
5.	Риштон туман марказий шифохонаси	201	40
Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Норин туман марказий шифохонаси	201	60
2.	Янгиқўрғон туман марказий шифохонаси	201	60
3.	Чортоқ туман марказий шифохонаси	201	50
4.	Вилоят шифохонаси	180	48
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси			
1.	Вилоят болалар шифохонаси	180	40
2.	Пешку туман марказий шифохонаси	201	40
3.	Бухоро туман марказий шифохонаси	201	50
4.	Вобкент туман марказий шифохонаси	201	50

Инъекцион дори воситалари шифокорлар томонидан жуда кўп тавсия қилинса ҳам, айрим вақтларда унинг ўзига хос салбий аҳамият касб этишини кўриш мумкин.

Бундай дори воситаларини тавсия қилишда фойдаланиладиган алоҳида меъёрий шакл йўқ. Лекин, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти амалиётчи-шифокорлари тажрибасига қараганда, 20 фоиз беморнинг ҳақиқатан ҳам инъекцион воситаларга эҳтиёжи ортаёқлиги маълум бўлди.

Тадқиқотлар натижасида фаолияти таҳлил қилинаётган муассасаларда бу кўрсаткич юқорилигини кўришимиз мумкин. Беморларга тавсия этилаётган дори воситаларининг касаллик варақасидаги тавсиясига қўра шу нарса аниқланди, 48 фоиз ҳолларда Республика даволаш-профилактика муассасалари (ТошПТИ) 90 фоизгача вилоят миқёсида (Фарғона вилояти клиник шифохонаси) ва туман муассасалари (Самарқанд вилояти Нуробод туман марказий шифохонаси, Хоразм вилояти Урганч туман шифохонаси)га инъекцион воситалар тавсия қилинади. Оқилона фойдаланишда фармацевтик ўзаро таъсир ҳам низоҳатда катта роль ўйнайди. Дори воситаларининг фармацевтик ўзаро таъсири уни организмга юборишдан олдин ўқи уларни бевосита организмга юборгандан кейин вужудга келади. Одатда фармацевтик ўзаро таъсир жисмоний-кимёвий реакциялар натижасида содир бўлади (масалан, кислоталар ва ишқорлар). Шу ўринда эримас бирикмаларнинг ҳосил бўлиши, ранг, ҳид ҳамда фармацевтик хусусиятларнинг ўзгариши вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолларда фармацевтик ўзаро таъсирлар нотўғри тавсия натижасида ҳам пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Дори воситалари орасида антибиотиклар алоҳида ўринни эгаллайди. Антибиотикларни нотўғри тавсия қилиш резистент ҳолатнинг қўрилишига олиб келади. Антибиотикларни тавсия қилишда айрим саволларнинг етарлича ўрганиб чиқилмаганлигини сезиш мумкин.

Масалан:

- антибиотикларнинг қайси дори шакли кўпроқ тавсия этилади (инъекциялар, таблеткалар, киём-шарбатлар);
- кенг таъсирли антибиотиклар билан тор таъсирли антибиотиклардан фойдаланиш улуши қандай;
- бошқа тавсия этилган дори воситаларига нисбатан антибиотикларнинг қиймати қанча фоиз даражасини ташкил қилади?

Мухаббат ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги Дори
воситалари ва тиббий
буюмлар сийёсати
Маркази директори.
(Давоми бор).



Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Қутлов

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР...



А. Аляви 1947 йил 28 июлда Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топди. Тиббиёт фанининг захматкашларидан бири – Лутфуллаев Аляви ва машҳур ўзбек филолог олимаси Музайяна Алявилар хонадонидан улғайган Анистон 1965-1971 йилларда ТошДавТИ (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси)ни муваффақиятли тугаллади.

Еш шифокор ўз иш фаолиятини 1971 йилдан Термиз темирйўл станцияси касалхонасида терапевтликдан бошлади, 1972-1973 йилларда эса Тошкент темирйўл станцияси касалхонасида терапевт бўлиб, беморлар дардига даво топишда ўз хиссасини қўшди.

Изланувчан шифокор 1973-1976 йилларда Харьков Тиббиёт институти терапия кафедрасининг аспиранти сифатида олиб борган назарий ва амалий изланишлари натижасида «Еш кишиларда учрайдиган миокард инфарктида липид алмашинуви ва қон зардобининг антигенлик хусусиятлари ҳамда нейрогуморал регуляциянинг баъзи бир омилларини ўрганиш» мавзусида номзодлик ва 1989 йилда эса «Ўткир миокард инфарктида простаглин-тромбоксан тизими, тромбоцитлар ва эритроцитлар гемостаз (патогенетик ва терапевтик аспектлар)» бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Анистон Лутфуллаевич томонидан биринчи бўлиб, ўткир миокард инфарктида нейрогуморал бошқаришдаги простаглин-тромбоксан, калликринининг ва тромбоцитлар гемостаз тизимида жуда катта патогенетик аҳамиятга молик янги илмий ҳулосалар ишлаб чиқилди ва миокард инфарктини даволашда янги йўналишга асос солинди.

1976 йилдан 1991 йилгача А. Аляви Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетининг ички касалликлар кафедраси ассистенти, доцент, профессор лавозимларида, 1991 йилдан 1999 йилгача 1-ТошДавТИнинг факультет ва госпитал терапия кафедраси муdiri лавозимида фаолият кўрсатиб, талабчан раҳбар, истеъдодли педагог сифатида кафедра ходимлари ҳамда талабалар ҳурматини қозонди.

Тиббиёт фани равнақига ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган таниқли олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институти директори, Тошкент Тиббиёт академияси тиббий педагогика факультетининг факультет ва госпитал терапия, халқ таъбири ва стоматология факультетининг ички касалликлар кафедраси муdiri Анистон Лутфуллаевич Алявининг таваллуд тоғлига 60 йил ҳамда меҳнат, илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига 36 йил тўлди.**

Мазкур йилларда кафедра ходимлари томонидан кардиологиянинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшилиб, мамлакатимизда юрак ишемик касалликлари, юрак нуқсонлари, артериал гипертензиялар, гломерулонефритларда иммунологик жараёнлар бўйича изланишлар олиб борилди. Биринчи марта ўзбек популяциясида гломерулонефритларнинг ҳар хил морфологик турларида иммуноген текширишлар натижалари амалга татбиқ этилди. Бу изланишлар чет мамлакатларда ҳам юксак баҳоланди. Унинг раҳбарлигида республикамизда илк бор гипертензия ва юрак ишемик касаллигини замонавий усулда текшириш ҳамда даволашда янги шароит яратилди, артериал гипертензия ва қандли диабетда юрак мушакни фаол ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Биринчи бор 2003 йилда мамлакатимизда миокард инфарктида юрак тоқ артериаларини ангиография қилиш ва даволашда ангиопластикани қўллаш натижасида ҳасталик кечишининг енгил ва ўлим оқибатининг икки мартадан камайиши кузатилди. Қўлланган бу усул касаллик таххиси ва даволашнинг сифати бўйича Европа стандартларига чиқиш имкониятини яратди.

1999 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, профессор А. Аляви Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институти (Т в ТРИТИ) директори ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясининг тиббий-педагогика факультетининг факультет ва госпитал терапия, халқ таъбири ва стоматология факультетининг ички касалликлар кафедраси муdiri лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Айни кунда терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институтида пульмонология, кардиология, гастроэнтерология ва ревматология бўйича терапия ва тиббий реабилитациянинг долзарб муаммоларини ўз ичига олган 4 та грант лойиҳалари асосида аҳамиятга молик тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишлар ўпканинг сурункали обструктив касалликларида гемостаз бузилишларни коррекциялаш, юрак қон-томир тизимида ремоделлашнинг марказий ва периферик звеноларини ўрганиш, гипертензия ва метаболик синд-

Ана шундай ажойиб фазилат эгаси, юртимиз равнақи ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб, умрининг асосий қисмини соҳа тараққиётига бахшида этаятган ҳурматли Анистон Лутфуллаевич Алявига доимо сиҳат-саломат бўлмоқликларини тилаб қоламиз!

Хожаикбар АБДУЛЛАЕВ,
Терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича муовини,
тиббиёт фанлари доктори,
Шоира КОДИРОВА,

Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси.

ромли беморларда тиббий реабилитация даврида тромбоцитлар, эритроцитлар ва қон томирлари эндотелийсининг функционал-метаболик хусусиятлари ҳолати ҳақида, сурункали гепатит ва сурункали яра касалликлари бор беморларда тиббий реабилитациянинг янги усуллари, минерал сувларни қисқалар ҳолда қўллаш, бўғимларнинг ва умуртқа поғонасининг яллиғланиш ва посттравматик касалликларида физиоумолажаларнинг турларидан фойдаланиш жараёнида ўзининг самарали натижаларини беради.

Ушбу институт олимларининг илмий жиҳатдан тўғри ва оқилона назарий ёндашишлари ва клиника шифокорларининг тиббий реабилитация усулларини самарали амалга қўллашлари турли ички касалликларга қалинган беморлар организми резистентлигининг ошиши, касалликлар кечишида ремиссия даврининг узайиши, ногиронлиқнинг камайиши ва беморлар ҳаётининг узайиши каби ижобий натижаларга олиб келмоқда.

Шунингдек, институт олимлари ўз олдиларига келгусида аллергология ва иммунопатологияни янада кенгрок ўрганиш, специфик иммунотерапия ва иммункоррекцияни такомиллаштириш, кардиологияда эндоваскуляр амалиётини татбиқ этиш, гастроэнтерология соҳасида эса сурункали гастрит, яра касаллиги, гепатобилиар тизим касалликларини янада эртарок аниқлашнинг сифатини ошириш, даволашда самарадор усулларнинг турларини ишлаб чиқиш каби бир қатор тиббиётнинг долзарб масалаларини ҳар томонлама ўрганишни ва улар ечимини ижобий ҳал этишни мақсад қилган ҳолда илмий изланишларни муваффақиятли давом эттиришмоқда.

А. Аляви кўп йиллик фаолияти давомида юзлаб шогирдларга устозлик қилди. Хорижий давлатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда иштирок этиб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди. Донишманд Кайковус: «Олижаноблиқни ўзида тўла мужассам этган кишигина энг камолга етган кишидир, олижаноблиқнинг камолоти тўла билимга эга бўлган кишидагина бўлиши мумкин», деган эди.




ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

ҳамширасининг фаолиятидаги бой тажрибасини ўрганиб, узаро фикр алмашдилар. Улар амалий кўникмалардан сўнг, поликлиниканинг мажлислар залида ташкил этилган деворий кўргазма ҳамда фаолият ва услубий қўлланмалар акс эттирилган тахтамлар билан танишиб, семинарда қатнашдилар.

Семинарнинг асосий мақсади бирламчи тиббий санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва қулайлик яратиш ҳамда қафолатланган сифатли, юқори малакали, кўп қиррали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб, кун тартибда асосий мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Шунингдек, оила ҳамшираси фақатгина беморга эмас, балки оиланинг бошқа аъзолари соғлиғи учун ҳам масъул эканлигини хис этган ҳолда фаолият юритмоғи лозимдир. 7-поликлиника бош шифокорининг муовини С. Ҳалимбоева "Оилавий ҳамширалар ишини ташкиллаштириш" мавзусидаги маърузасида оила ҳамширасининг оила-

тимий патронажлар кўрсатилиши ҳамда ҳар бир оилада оила паспортининг жорий этилиши ижобий тус олганлигини эътироф этди. Шунингдек, тадбир давомида туманлардан иштирок этган ҳамширалар юқоридаги бой тажрибалардан ҳулоса чиқариб, фаолиятлари учун керак бўлган баҳс-мунозарали савол ва таклифларни ўртага ташладилар. Бундан ташқари, семинарда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош ҳамшираси Р. Аҳмедова, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш маркази Андижон вилояти филиали директори Ш. Атабаев, 7-поликлиника бош врач Б. Абдуллава, Андижон шаҳар марказий шифокорона бош ҳамшираси Г. Алимова ҳам сўзга чиқиб, оила ҳамширасининг аҳоли орасида ўрни нечоғли зарурат эканлигини ўз фикрларида баён этдилар.

Семинар якунида Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш



ларга хизмат кўрсатишининг ўзига яраша афзаллик томонларини слайдлар орқали ёритиб берди. Маърузачи ўз сўзида оилавий ҳамширанинг меҳнат жараёнидаги олиб борган фаолияти муайян даражада ўз натижасини бераётганлигини таъкидлади. Айниқса, юқумли касалликлар камайганлиги, ёлғиз, кекса, ўзгалар қарамига муҳтож бўлганларга уйда хизмат кўрсатиш яхшиланганлиги, ёш боласи бор оналар ва янги оила қурганларга тиббий иж-

маркази Андижон вилояти филиали директори Ш. Атабаев Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 7 мартдаги 100-сонли буйруғининг мазмун-моҳияти ва унга амал қилиш қонун-қоидаларини шарҳлаб ўтди.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳам амалий, ҳам назарий тарзда ўтказилган бундай тадбир фаолиятдаги ҳамшираларнинг касбий маҳорати ва уларнинг тиббий билимга бўлган иштиёқларини оширишга ишончимиз қомил.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ибодат СОАТОВА.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БҮЙРУҒИ

2007 йил 20 июль

№ 322

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги
322-сонли буйруғига 3-илова

**Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари,
ТошВМОИ, Илмий текшириш институтлари,
Ихтисослаштирилган ва Илмий марказлар бўйича
2007 йилда клиник ординатурага умумий тартибда
қабул қилинадиган ўринлар режаси**

Мутахассислик	Жами	Шу жумладан	
		Грант	Контракт
Тошкент Тиббиёт академияси			
Гастроэнтерология	2	-	2
Реабилитология (даволаш физкультура ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)	1	-	1
Ортодонтия	4	-	4
Гематология	4	4	-
Наркология	3	3	-
Пульмонология	3	1	2
Ревматология	2	-	2
Жами	19	8	11
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти			
Эндокринология	1	-	1
Оториноларингология	2	-	2
Офтальмология	2	-	2
Педиатрия	2	1	1
Неонатология	2	1	1
Тери ва таносил касалликлари	1	-	1
Болалар неврологияси	2	-	2
Тиббий (клиник) радиология	2	2	-
Психиатрия	1	1	-
Травматология ва ортопедия	2	-	2
Фтизиатрия	2	2	-
Гематология	1	1	-
Болалар хирургияси	2	-	2
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	2	2	-
Наркология	1	1	-
Жами	25	11	14
Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти			
Оториноларингология	1	-	1
Ички касалликлар (терапия)	1	-	1
Кардиология	2	-	2
Офтальмология	1	-	1
Педиатрия	1	-	1
Неонатология	1	-	1
Юқумли касалликлар	1	1	-
Тери ва таносил касалликлари	1	-	1
Неврология	2	-	2
Болалар неврологияси	2	-	2
Онкология	1	-	1
Патологик анатомия	1	1	-
Психиатрия	1	1	-
Тиббий (клиник) радиология	2	2	-
Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)	1	-	1
Терапевтик стоматология	1	-	1
Ортопедик стоматология	1	-	1
Болалар стоматологияси	1	-	1
Юз-жағ стоматологияси	1	-	1
Травматология ва ортопедия	1	-	1
Суд-тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ	1	1	-
Хирургия	1	-	1
Гематология	1	1	-
Болалар хирургияси	1	-	1
Анестезиология ва реаниматология	1	-	1
Урология	1	-	1
Наркология	1	1	-
Болалар юқумли касалликлари	1	1	-
Клиник-лаборатор диагностика	2	2	-
Жами	34	11	23
Жами ОУЮлари бўйича	78	30	48
Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ			
Юқумли касалликлар	2	2	-
Вирусология ИТИ			
Юқумли касалликлар	1	1	-
Терапия ва реабилитация ИТИ			
Реабилитология (даволаш физкультура ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)	2	-	2
Ички касалликлар (терапия)	2	-	2
Кардиология	2	-	2
Жами	6	-	6
Академик В. В. Воҳидов номидаги Республика Ихтисослаштирилган хирургия маркази			
Тиббий (клиник) радиология	4	2	2
Хирургия	2	-	2

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Анестезиология ва реаниматология	4	2	2
Жами	10	4	6
Фтизиатрия ва пульмонология ИТИ			
Фтизиатрия	2	2	-
Пульмонология	2	1	1
Жами	4	3	1
Гематология ва қон қуйиш ИТИ			
Гематология	10	5	5
Республика Ихтисослаштирилган Кардиология маркази			
Кардиология	5	-	5
Эндокринология ИТИ			
Эндокринология	6	1	5
Дерматология ва венерология ИТИ			
Тери ва таносил касалликлари	6	-	6
Педиатрия ИТИ			
Педиатрия	4	-	4
Республика Онкология маркази			
Онкология	5	-	5
Травматология ва ортопедия ИТИ			
Травматология ва ортопедия	8	-	8
Нейрохирургия илмий маркази			
Нейрохирургия	5	-	5
Гастроэнтерология маркази			
Гастроэнтерология	2	-	2
Жами ИТИ ва Марказлар бўйича	74	16	58
Жами	152	46	106

Изоҳ: ИТИ ва марказларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республи-
каси ва вилоятлар учун берилган ўринлар квотаси доирасида 1 ўриндан
ахратилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги
322-сонли буйруғига 4-илова

**Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари,
ТошВМОИ бўйича 2007 йилда вилоятлар квотаси бўйича
клиник ординатурага қабул қилиш режаси**

Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти									
Мутахассисликлар	Тошкент вилояти			Сирдарё вилояти			Жиззах вилояти		
	Жами	Грант	Контракт	Жами	Грант	Контракт	Жами	Грант	Контракт
Акушерлик ва гинекология	2	-	2	2	-	2	2	-	2
Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	1	1	-	1	1	-	1	1	-
